

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ  
Қ А Р О Р И



ПОСТАНОВЛЕНИЕ  
КАБИНЕТА МИНИСТРОВ  
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

24 " ИЮЛЬ 2018 й. г. № 571

Тошкент ш. – г. Ташкент

**Самарқанд давлат университети фаолиятини янада  
такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида**

Самарқанд давлат университетининг илмий салоҳиятини ошириш, замонавий инфратузилмаси ва моддий-техника базасини янада такомиллаштириш ҳамда меҳнат бозорида рақобатбардош кадрларни тайёрлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Қуйидагилар Самарқанд давлат университети (кейинги ўринларда Университет деб аталади) фаолиятини янада такомиллаштиришнинг асосий йўналишлари этиб белгилансин:

Университетнинг олий маълумотли мутахассислар ва илмий-педагогик кадрлар тайёрлаш борасидаги халқаро рейтингини ошириш, битирувчиларнинг касбий даражаси жаҳон интеллектуал бозорида тан олинishi ҳамда уларнинг рақобатбардошлигига эришиш;

жаҳондаги етакчи ва нуфузли олий таълим муассасалари билан ҳамкорликда (Япония, Жанубий Корея, Хитой, Ҳиндистон, Бельгия, Германия, Франция, Сингапур каби давлатлар) олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш ва илмий тадқиқотлар ўтказишни ташкил этиш, педагог ва илмий ходимларнинг малакасини ошириш, стажировкасини ташкил этиш, талабаларнинг академик алмашинувини таъминлаш ҳамда Университетда хорижий фуқароларнинг таълим олишига шароит яратиш;

ўқув жараёнига давлат ва халқаро таълим стандартларига асосланган илғор педагогик технологиялар, ўқув дастурлари ва ўқув-услубий материалларни кенг жорий этиш;

янги авлод ўқув адабиётларини яратиш ва уларни Университетнинг таълим жараёнига кенг татбиқ этиш, уни замонавий ўқув, ўқув-методик ва илмий адабиётлар билан таъминлаш, шу жумладан янги хорижий адабиётлар сотиб олиш ва таржима қилиш, ахборот-ресурс маркази фондини мунтазам янгиллаб бориш;

мамлакат иқтисодиёти ривожланишини таъминловчи фан ва техника соҳалари бўйича фундаментал ҳамда амалий тадқиқотлар кўламини кенгайтириш, уларнинг самарадорлигини ошириш, олий таълим ва академик илм-фаннинг ишлаб чиқариш билан интеграциясини кучайтириш, илмий мактабларни ривожлантириш ва уларнинг салоҳиятидан унумли фойдаланиш;

Марказий Осиё ҳудудида фаолият юритган алломаларнинг ислом маданиятига қўшган ҳиссаси, илм-фанга доир қўлёзмалари, нодир китоблари ва бошқа қадимий манбаларни, чет эллик мутахассисларнинг фикр-мулоҳазаларини ўрганиш орқали уларнинг илм-фан ҳамда таълим тараққиётидаги ўрни ва тарихини кенг тарғиб қилиш;

Университетнинг моддий-техника базасини ривожлантириш, бино ва иншоотларида қурилиш-таъмирлаш ҳамда жиҳозлаш ишларини амалга ошириш;

илм-фаннинг устувор йўналишларидан келиб чиққан ҳолда, илмий лабораторияларни замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш, шунингдек, ахборот-коммуникация воситалари ва дастурий таъминот даражасини замон талабларига мувофиқлаштириб бориш;

талабалар билимини холисона баҳолаш ҳамда назорат қилишнинг шаффоф ва адолатли тизимини ишлаб чиқиш, таълим жараёнига татбиқ этиш ҳамда мунтазам такомиллаштириб бориш.

2. 2018-2021 йилларда Самарқанд давлат университети фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури (кейининги ўринларда Дастур деб аталади) иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Белгилансинки, Университет 2018/2019 ўқув йилидан бошлаб:

кадрлар буюртмачиларининг талабларидан келиб чиққан ҳолда, бакалаврият таълим йўналишлари ўқув режаларининг умумқасбий фанлари блокадаги мавжуд фанлар (сони ва ўқув юклармаси) ҳажми ҳисобига ихтисослик фанлари блокада мавжуд фанлар (сони ва ўқув юклармаси) ҳажмини 30 фоизгача ошириб, ўқув режалари ва фан дастурларини ишлаб чиқади ҳамда амалиётга жорий этади;

Университетда профессор-ўқитувчилар ва олимлар томонидан тайёрланган дарслик, ўқув қўлланма ҳамда бошқа ўқув-услубий адабиётларни Университет кенгашининг қарорига асосан Самарқанд давлат университети учун нашрга тавсия этади.

4. Самарқанд вилояти ҳокимлиги Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси, Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Қурилиш вазирлиги билан биргаликда мазкур қарорга илова билан тасдиқланган Дастурдан келиб чиққан ҳолда, қуйидагиларни назарда тутувчи чора-тадбирлар режасини икки ой муддатда ишлаб чиқсин ва босқичма-босқич амалга оширсин:

Конфуций ҳайкали ўрнатиладиган Университет ҳудудида жойлашган 9 қаватли ўқув ва маъмурий бино ҳамда унга тегишли ҳудуднинг меъморий кўринишини Ўзбекистон-Хитой миллий меъморчилиги анъаналарига мувофиқлаштириш ҳамда бинонинг ҳар бир қаватини ривожланган хорижий мамлакатларнинг нуфузли олий таълим муассасалари андозаларига мослаштириш;

Университетда таълим олаётган хорижий талабалар учун алоҳида талабалар турар жойини қуриш ва жиҳозлаш;

ўқув бинolari ва спорт иншоотларини қуриш мақсадида Университет бош биноси ҳудудида жойлашган фуқаролар ва юридик шахсларнинг турар-жой

ва бошқа биноларини белгиланган тартибда бузиш ҳамда шу муносабат билан фуқаролар ҳамда юридик шахсларга етказилган зарар ўрнини қоплаш чораларини кўриш;

Самарқанд шахри, Спитамен шоҳ кўчаси, 166-уйда жойлашган Самарқанд 1-сон педагогика коллежи ва Даҳбет кўчаси, 18-уйда жойлашган Самарқанд педагогика ва хизмат кўрсатиш коллежи фаолияти белгиланган тартибда тугаганидан сўнг, уларнинг бино ва иншоотларини тегишли ҳудудлари билан бирга Университетга оператив бошқариш ҳуқуқи асосида бепул бериш;

Университет бино ва иншоотларини қуриш, реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш ишларини режалаштириш ҳамда Ўзбекистон Республикасининг ривожланиш давлат дастурларига босқичма-босқич киритиш.

5. Самарқанд вилояти ҳокимлиги Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Қурилиш вазирлиги билан биргаликда Университет бош биноти жойлашган ҳудудда Самарқанднинг жаҳон цивилизацияси ривожига қўшган ҳиссаси, тарихи, маданияти, Марказий Осиёда таълим ва маърифат маркази сифатида шаклланган анъаналари акс эттирилган архитектура ансамблини барпо этишга қаратилган таклифларни икки ой муддатда ишлаб чиқсин ва Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

6. Университет бино ва иншоотларини қуриш, реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш ишларига Самарқанд вилояти ҳокимлиги ҳузуридаги Ягона буюртмачи хизмати инжиниринг компанияси буюртмачи этиб белгилансин ва объектларнинг тўлиқ тайёр ҳолда фойдаланишга топширилишини таъминласин.

7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Университетда фундаментал фанлар ва муҳандислик-техника фанлари соҳалари бўйича докторлик диссертациялари ҳимояларини ўтказишга мўлжалланган илмий кенгашлар очиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

8. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Халқ таълими вазирлиги ва Самарқанд вилояти ҳокимлиги билан биргаликда Университет ҳузурида физика, математика, кимё ва биология соҳаларига ихтисослашган мактаб фаолиятини ташкил этиш бўйича Ҳукумат қарори лойиҳасини уч ой муддатда ишлаб чиқсин ва Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ушбу қарорга мувофиқлаштирсин.

10. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.А. Абдуҳақимов, Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазири И.У. Маджидов ҳамда Самарқанд вилояти ҳокими зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг  
Бош вазири



А. Арипов

Вазирлар Маҳкамасининг  
2018 йил “24” июлдаги 571-сон қарорига  
илова

**2018-2021 йилларда Самарқанд давлат университети фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича комплекс  
ЧОРА-ТАДБИРЛАР ДАСТУРИ**

| №  | Чора-тадбирлар номи   | Амалга ошириш механизми  | Ижро мuddати   | Молиялаштириш манбаи  | Масъул ижрочилар  |
|--|---|--|--|---|---|
| <b>I. Кадрлар тайёрлаш, ўқув жараёнини такомиллаштириш, таълим сифатини тубдан яхшилаш, илғор хорижий тажриба асосида замонавий ва инновацион таълим технологияларидан самарали фойдаланиш, ўқув режалар ва фан дастурларини такомиллаштириш</b> |   |  |  |   |   |
| 1.   | Университет бакалавриат таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари бўйича юқори малакали кадрларни замонавий талаблар даражасида тайёрлаш ва илмий-тадқиқотлар ўтказишда жаҳондаги нуфузли университетлар ва илмий марказлар билан ҳар томонлама манфаатли ҳамкорлик ўрнатиш ва истиқболли шартномаларни тузиш. | 1. Жаҳоннинг етакчи илмий ва таълим муассасалари билан ҳамкорлик қилиш бўйича режа ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш.<br>2. Етакчи хорижий илмий ва таълим муассасалари билан стажировка ва ҳамкорликда таълим дастурлари бўйича шартномалар имзолаш.<br>3. Жаҳондаги етакчи, нуфузли (Япония, Жанубий Корея, Хитой, Ҳиндистон, Германия, Франция, Бельгия, Сингапур каби) давлатларнинг олий таълим муассасалари билан ҳамкорликда олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш ва илмий тадқиқотлар ўтказишни ташкил қилиш. | 2018 йил<br>30 декабрь<br><br>режа асосида<br><br>режа асосида   | Ушбу мақсадларда ажратилган бюджет маблағлари доирасида, университетнинг бюджетдан ташқари маблағлари, халқаро фондлар грантлари      | Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги,<br>Самарқанд давлат университети,<br>Ташқи ишлар вазирлиги        |
| 2.   | Университетнинг бакалавриат битирувчиларини хорижий магистратура дастурлари асосида ўқитишни ва магистрантларнинг стажировкасини ҳамкор хорижий илмий-ўқув марказларида ташкил қилиш.   | 1. Хориждаги етакчи турдош илмий-таълим муассасалари билан магистрлар тайёрлаш дастурини ишлаб чиқиш.<br>2. Белгиланган тартибда ёш ўқитувчиларнинг хорижий таълим муассасаларида стажировкасини ва малака оширишини ташкил қилиш бўйича академик мобил (academic mobility programs) дастурларни ишлаб чиқиш.  | 2018/2019 ўқув йили давомида<br><br>2018/2019 ўқув йили давомида | Халқаро грантлар, халқаро ташкилотлар маблағлари,<br>Мутахассисларни хорижда тайёрлаш ва ватандошлар билан мулоқот маркази маблағлари | Мутахассисларни хорижда тайёрлаш ва ватандошлар билан мулоқот маркази,<br>Самарқанд давлат университети |

| №  | Чора-тадбирлар номи  | Амалга ошириш механизми   | Ижро мuddати   | Молиялаштириш манбаи                         | Масъул ижрочилар  |
|----|--|---|--|--|---|
|    |  | 3. Хориждаги етакчи турдош илмий-таълим муассасалари билан талабалар алмашиш дастурларини ишлаб чиқиш ва уларнинг амалга оширилишини таъминлаш.   | 2018/2019 ўқув йилидан бошлаб, доимий  |  |   |
| 3. | Давлат таълим стандартлари ва кадрлар буюртмачилари талабларидан келиб чиққан ҳолда, Университет таълим йўналишлари, мутахассисликларнинг малака талаблари, ўқув режалари ва фан дастурларини ишлаб чиқиш ва амалиётга татбиқ қилиш. | 1. Хорижий тажрибаларни инобатга олган ҳолда, ўқув юктамалари ҳажмини, жумладан, ўқув режаларининг фан блоклари ва соатлари тақсимотини оптималлаштириш.<br>2. Ўқув режаларидаги гуманитар ва ижтимоий-иқтисодий фанлар дастурларини таҳлил қилиш, мавзулар такрорланишининг олдини олиш, умумқасбий ва ихтисослик фанларига ажратилган соатлар ҳажмини ошириш.<br>3. Ўқув режалари ва фан дастурлари мазмуни доимий янгиланган борилишини таъминлаш. | 2018 йил 25 август<br><br>2018 йил 25 август<br><br>доимий                       | -  | Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Самарқанд давлат университети |
| 4. | Университетда талабалар билимини ҳолисона баҳолаш ҳамда назорат қилишнинг шаффоф ва адолатли тизимини ишлаб чиқиш, таълим жараёнига татбиқ этиш.   | 1. Талабалар билимини баҳолаш ва назорат қилиш тўғрисидаги низомни ишлаб чиқиш ва синовдан ўтказиш.<br>2. Талабалар билимини баҳолаш мониторингини олиб бориш, унинг натижаларини умумлаштириш ва тегишли ҳулосалар асосида бу тизимни такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш.  | 2019/2020 ўқув йилидан бошлаб<br><br>2019/2020 ўқув йили якунига қадар           | -  | Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Самарқанд давлат университети |
| 5. | Университетда масофавий ўқитиш тизимини йўлга қўйиш, илғор тажрибаларни оммалаштириш ва татбиқ этиш, ўқитишнинг модулли тизимини жорий қилиш.  | 1. Масофавий ўқитиш тизимини йўлга қўйиш учун энг оптимал платформани танлаш.<br>2. Фанларда ўқув-услубий мажмуаларнинг янгиланиши ва уларнинг “Moodle” тизимига тўлиқ киритилишини таъминлаш.<br>3. Университетнинг нуфузли олим ва академикларининг мутахассислик фанлари бўйича маъруза  | 2019 йил 20 июнь<br><br>2019/2020 ўқув йилидан бошлаб<br><br>2018 йил 20 декабрь | Университетнинг бюджетдан ташқари маблағлари | Самарқанд давлат университети                                       |

| №  | Чора-тадбирлар номи   | Амалга ошириш механизми   | Ижро мuddати   | Молиялаштириш манбаи   | Масъул ижрочилар  |
|----|---|---|--|--|---|
|    |   | машғулотларининг электрон (видео) нусхалари жойлаштирилган таълим порталини яратиш.   |  |  |   |
| 6. | Университетнинг ишлаб чиқариш корхоналари ва ташкилотлар билан корпоратив ҳамкорлигини тизимли равишда мустаҳкамлаш асосида ўқув ва ишлаб чиқариш амалиёти сифатини ошириш.                                       | 1. Талабалар амалиётини самарали ташкил қилиш учун амалиёт базаларини танлаш.<br>2. Амалиёт базаларига эга бўлган таълим муассасалари, ишлаб чиқариш корхоналари ва ташкилотлар билан ҳамкорлик шартномаларини имзолаш.   | 2018 йил август<br><br>2018 йил август   | -  | Самарқанд давлат университети                                       |
| 7. | Университетни замонавий ўқув-методик ва илмий адабиётлар билан таъминлаш, жумладан, энг янги хорижий адабиётларни сотиб олиш ва таржима қилиш негизида ахборот-ресурс маркази фондини мунтазам янгилаб бориш.     | Ўқув-методик ва илмий адабиётлар билан таъминлаш, жумладан, энг янги хорижий адабиётларни сотиб олиш ва таржима қилиш негизида ахборот-ресурс маркази фондини мунтазам янгилаб бориш.   | 2019-2021 йиллар давомида  | Ушбу мақсадларда ажратилган бюджет маблағлари доирасида университетнинг бюджетдан ташқари маблағлари, халқаро фондлар грантлари      | Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Самарқанд давлат университети |
| 8. | Университет профессор-ўқитувчилари ва олимлари томонидан тайёрланган дарсликлар, ўқув қўлланмалар ҳамда бошқа ўқув-услубий адабиётларни Университет кенгашининг қарорига асосан нашрга тавсия этиш ва нашр қилиш. | 1. Ўқув режаларидаги ҳар бир фанни ўқув адабиётлари билан таъминланганлик даражасини аниқлаш ва таҳлил қилиш.<br>2. Муаллифларга дарсликлар ва ўқув қўлланмалари тайёрлаш учун шароит яратиш, ижодий таътилар бериш, уларни моддий рағбатлантириш.<br>3. Етакчи хорижий олий таълим муассасаларининг профессор-ўқитувчилари ҳамда олимлари билан ҳамкорликда инглиз ва ўзбек тилларида дарсликлар, ўқув қўлланмаларини яратиш.<br>4. Университетда дарсликлар ва ўқув қўлланмаларини нашр этиш тартибини олий таълим муассасаси кенгашида тасдиқлаш. Бунда, адабиётларнинг холис экспертизаси, тақризи механизмларини, нашр этилган адабиёт мазмуни ва сифатига ўқув ишлари бўйича проректор масъуллиги ва кафедра мудирлари жавобгарлигини белгилаш. | 2018 йил август<br><br>доимий<br><br>доимий<br><br>2018/2019 ўқув йилидан бошлаб, доимий | Ушбу мақсадларда ажратилган бюджет маблағлари доирасида, университетнинг бюджетдан ташқари маблағлари, халқаро фондларнинг грантлари | Самарқанд давлат университети                                       |

| №   | Чора-тадбирлар номи  | Амалга ошириш механизми   | Ижро мuddати  | Молиялаштириш манбаи  | Масъул ижрочилар   |
|---|--|---|---|---|--|
| 9.  | Мамлакатни ижтимоий ва иктисодий ривожлантириш эҳтиёжларидан келиб чиқиб, Университетда замонавий мутахассислар тайёрлашга йўналтирилган янги бакалаврият таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликларини очиш.                                   | 1. Бакалаврлар тайёрлаш бўйича янги таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликларини очиш учун таклифлар тайёрлаш.<br>2. Умумтаълим мактабларидаги ўқитувчиларга бўлган эҳтиёждан келиб чиққан ҳолда қабул квоталарига таклифлар тайёрлаш.  | 2018 йил декабрь<br><br>2018 йил декабрь            | -   | Иктисодиёт вазирлиги,<br>Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги,<br>Самарқанд давлат университети                                |
| <b>II. Профессор-ўқитувчиларнинг касбий малакаси ва фаоллиги ҳамда илмий салоҳиятини ошириш, педагог ва илмий ходимларнинг стажировкаси ва малака оширишлари учун шароитлар яратиш, уларнинг илмий-тадқиқот фаолияти самарадорлигини ошириш</b> |  |   |   |   |  |
| 10.   | Хорижий олий таълим муассасалари базасида университет профессор-ўқитувчиларининг малака ошириш ва қайта тайёрлаш курсларида иштирок этишини таъминлаш, иқтидорли ёш олимларнинг магистратура ва докторантура босқичларида таълим олишларини ташкил этиш. | 1. Малака ошириш ва қайта тайёрлаш режасини белгиланган тартибда ишлаб чиқиш, унинг бажарилишини таъминлаш.<br>2. Профессор-ўқитувчиларга ахборот технологиялари, чет тилини ўрганишлари бўйича хорижий олий ва илмий таълим муассасаларида малака ошириш курсларини белгиланган тартибда ташкил этиш ва натижалари мониторингини олиб бориш. | 2018 йил август<br><br>2018/2019 ўқув йили давомида | Ушбу мақсадларда ажратилган бюджет маблағлари, халқаро фондларнинг грантлари, ҳомийлар маблағлари | Мутахассисларни хорижда тайёрлаш ва ватандошлар билан мулоқот маркази, Самарқанд давлат университети                           |
| 11.   | Илм-фан ва таълимнинг ривожланиш истиқболларидан келиб чиққан ҳолда, Университетда юқори малакали илмий ва илмий-педагогик кадрларни мақсадли тайёрлашни ташкил этиш ва амалга ошириш.   | 1. Университет ва минтақа миқёсида юқори малакали илмий ва илмий-педагогик кадрларга бўлган эҳтиёжни аниқлаш.<br>2. Илмий салоҳиятли ўқитувчиларга бўлган эҳтиёжни келажакда қоплаш учун таянч докторантура ҳамда докторантурага мақсадли тайёрлаш.   | 2018 йил сентябрь<br><br>2019-2021 йилларда         | -   | Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги,<br>Фанлар академияси,<br>Олий аттестация комиссияси,<br>Самарқанд давлат университети    |
| 12.   | Ахборот-коммуникация технологиялари ва оммавий ахборот воситалари ёрдамида Университет илмий-тадқиқот ишлари натижаларини иктисодиётнинг реал секторига олиб киришни кенг оммага тарғиб қилиш.   | 1. Илмий соҳадаги ютуқлар, ишланмалар, амалиётга самарали татбиқ этилаётган ишланмалар ҳақида мунтазам равишда оммавий ахборот воситаларида телекўрсатувлар ташкил этиш.<br>2. “Университет ахборотномаси” журнали тиражини ошириб, баъзи сонларининг инглиз тилида ҳам нашр қилинишини ташкил этиш.  | 2018/2019 ўқув йили давомида<br><br>доимий          | Университетнинг бюджетдан ташқари маблағлари, ҳомийлар маблағлари                                 | Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги,<br>Олий аттестация комиссияси,<br>Иктисодиёт вазирлиги,<br>Самарқанд давлат университети |

| №  | Чора-тадбирлар номи   | Амалга ошириш механизми  | Ижро муддати                                   | Молиялаштириш манбаи                         | Масъул ижрочилар   |
|--|---|--|--|--|--|
| 13.  | Ёшлар орасида илмни оммалаштириш, уларнинг илмий-ижодий фаоллигини рағбатлантириш ва илмий ишланмаларини амалиётга татбиқ этишларига кенг имкониятлар яратиш.   | “Ёш олимлар” танловини ташкил этиш, танлов ғолибларини моддий ва маънавий рағбатлантириш, оммавий ахборот воситаларида кенг ёритиш орқали уларнинг илмий-ижодий ишларини оммалаштириш.   | 2019 йил<br>25 мартдан<br>бошлаб,<br>доимий    | -  | Фанлар академияси,<br>Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги,<br>Самарқанд давлат университети                                   |
| 14.  | Фанлар академияси академиклари илмий салоҳиятидан фойдаланиш ҳамда етакчи хорижий олий таълим муассасалари ва илмий-тадқиқот институтларида ривожланаётган соҳалар бўйича кадрлар тайёрлаш орқали университетда профессор-ўқитувчиларнинг илмий салоҳиятини 44,0 % дан 75,0 % га ошириш.  | Илмий даражали мутахассислар сонини 2017-2020 йилларда 100 нафарга, 2021-2025 йилларда 120 нафарга, 2026-2030 йилларда 120 нафарга ошириш орқали илмий салоҳиятни режадаги кўрсаткичга етказиш учун талабгорларга етарлича шароитлар яратиш, илмий ходимлар ва уларнинг илмий раҳбарларини рағбатлантириб бориш. | 2018/2019<br>ўқув йилидан<br>бошлаб,<br>доимий | -  | Фанлар академияси,<br>Олий аттестация комиссияси,<br>Самарқанд давлат университети   |
| <b>III. Иқтидорли ёшларнинг янги авлоднинг шакллантириш, маънавий-маърифий ва ахлоқий тарбиявий ишлар самарадорлигини ошириш</b> |   |  |  |  |  |
| 15.  | Университет ҳудудида физика, математика, кимё ва биология соҳаларига ихтисослашган махсус мактаб фаолиятини ташкил этиш.  | Университет ҳудудида физика, математика, кимё ва биология соҳаларига ихтисослашган махсус мактаб фаолиятини ташкил этиш бўйича Вазирлар Маҳкамасининг қарори лойиҳасини тайёрлаш ва белгиланган тартибда Вазирлар Маҳкамасига киритиш.   | 2018 йил<br>октябрь                            | Асосланган ҳисоб-китобларга кўра             | Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги,<br>Халқ таълими вазирлиги, Самарқанд вилояти ҳокимлиги,<br>Самарқанд давлат университети |
| 16.  | Буюк алломаларимизнинг илмий мероси ва “Ислом маданияти” анъаналаридан келиб чиққан ҳолда университет илмий-амалий лаборатория музейини ташкил этиш.<br>Ўзбекистон жаҳон цивилизациясининг ажралмас қисми, ислом маданияти марказларидан бири бўлиб келганини акс эттирадиган илмий-тарихий концепцияни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш. | 1. Самарқандда яшаб ижод қилган буюк алломалар, жумладан, Мирзо Улуғбек академияси илмий мероси асосида Музейни яратиш концепциясини ишлаб чиқиш.<br>2. Музейни қадимги таълим тарихига оид манбалар, экспонатлар билан бойитиш, уни энг замонавий ахборот-коммуникация технологиялари асосида намоиш этиш.      | 2018 йил<br>декабрь<br><br>2019 йил<br>май     | Университетнинг бюджетдан ташқари маблағлари | Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги,<br>Маданият вазирлиги,<br>Самарқанд давлат университети                                  |
| 17.  | Университет ахборот-ресурс марказини ва қўлёзмалар фондини буюк алломалар, мутафаккирлар, улар  | 1. Университет ахборот-ресурс маркази ва қўлёзмалар фондини юртимизда ва чет элларда сақланаётган қадимий қўлёзма  | 2018-2021<br>йиллар<br>давомида                | Университетнинг бюджетдан ташқари маблағлари | Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги,<br>Самарқанд давлат  |



| №   | Чора-тадбирлар номи   | Амалга ошириш механизми   | Ижро муддати  | Молиялаштириш манбаи   | Масъул ижрочилар   |
|---|---|---|---|--|--|
|   | томонидан асос солинган илмий ва диний мактабларга доир юртимизда ва хорижий давлатларда сақланаётган қадимий қўлёзма ва тошбосма китоблар, тарихий далил ва ҳужжатлар, археологик топилмалар, осори атиқалар, шу йўналишдаги замонавий илмий-тадқиқот ишлари, китоб ва тўпламлар, видео ва фото ҳужжатлар асосида бойитиш.           | ва тошбосма китоблар, тарихий далил ва ҳужжатлар, археологик топилмалар, моддий ва номоддий мерос намуналарининг нусхаларини йиғиш ва тўлдириш чораларини кўриш.<br>2. Ислом дини ривожига улкан ҳисса қўшган буюк ватандошларимиз – алломаларнинг меросини илмий асосда чуқур тадқиқ этиш, илмий-маънавий жасорати, улуғ инсоний фазилатларини кенг тарғиб этиш.   | доимий  |  | университети   |
| <b>IV. Университетда ўқув ва илмий-лаборатория бинолари, спорт иншоотлари ва ижтимоий-муҳандислик инфратузилмаларни қуриш, реконструкция қилиш ва мукамал таъмирлаш орқали моддий-техника базасини мустаҳкамлаш</b> |   |   |   |  |  |
| 18.   | Конфуций ҳайкали ўрнатиладиган университет ҳудудида жойлашган 9 қаватли ўқув ва маъмурий бино ва унга туташ ҳудуднинг меъморий кўринишини Ўзбекистон-Хитой миллий меъморчилиги анъаналарига мувофиқлаштириш ҳамда бинонинг ҳар бир қаватини ривожланган хорижий мамлакатларнинг нуфузли олий таълим муассасалари андозаларига мослаш. | 1. Самарқанд вилояти ҳокимлиги ҳузуридаги Ягона буюртмачи хизмати инжиниринг компанияси буюртмаси асосида университетнинг 9 қаватли бино ва унга тегишли ҳудуднинг меъморий кўринишини Ўзбекистон-Хитой миллий меъморчилиги анъаналарига мувофиқлаштиришнинг манзилли дастурга киритилишини таъминлаш ва лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш.<br>2. Конфуций ҳайкали ўрнатиладиган университет ҳудудида жойлашган 9 қаватли ўқув ва маъмурий бино ва унга тегишли ҳудуднинг меъморий кўринишини Ўзбекистон-Хитой миллий меъморчилиги анъаналарига мувофиқлаштириш.<br>3. Бинонинг ҳар бир қаватини ривожланган хорижий мамлакатларнинг нуфузли олий таълим муассасалари андозаларига мослаштириш. | 2018 йил сентябрь<br><br>2018/2019 ўқув йили давомида<br><br>2018/2019 ўқув йили давомида | Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўзбекистон Республикасининг ривожланиш давлат дастурларини молиялаштириш жамғармаси маблағлари | Самарқанд вилояти ҳокимлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси, Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Қурилиш вазирлиги, Самарқанд давлат университети |
| 19.   | Университет бош биноси жойлашган ҳудудда Самарқанднинг жаҳон цивилизацияси ривожига қўшган ҳиссаси, тарихи, маданияти, Марказий   | 1. Университетда амалга ошириладиган қурилиш-тиклаш ишларининг бош режасини, бош биноси майдони ва бино архитектураси кўриниши лойиҳаси ҳамда   | 2018 йил сентябрь   | Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўзбекистон Республикасининг ривожланиш давлат  | Самарқанд вилоят ҳокимлиги, Қурилиш вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Молия   |

| №   | Чора-тадбирлар номи  | Амалга ошириш механизми   | Ижро муддати  | Молиялаштириш манбаи   | Масъул ижрочилар  |
|-----|--|---|---|--|---|
|     | Осиёда таълим ва маърифат маркази сифатида шаклланган анъаналари акс эттирилган архитектура ансамблини барпо этишга қаратилган таклифлар ишлаб чиқиб, Вазирлар Маҳкамасига киритиш.  | эскизини ишлаб чиқиш.<br>2. Самарқанд вилояти ҳокимлиги Ягона буюртмачи хизмати инжиниринг компанияси буюртмаси асосида лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва Ўзбекистон республикасининг ривожланиш давлат дастурига киритилишини таъминлаш.  | 2018 йил декабрь  | дастурларини молиялаштириш жамғармаси маблағлари   | вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Самарқанд давлат университети  |
| 20. | Хорижий мамлакатлардан келиб, университетда таълим олаётган талабалар учун алоҳида талабалар турар жойини қуриш ва жиҳозлаш.   | 1. Самарқанд вилояти ҳокимлиги ҳузуридаги Ягона буюртмачи хизмати инжиниринг компанияси буюртмаси асосида хорижий талабалар турар жойи қурилишининг лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва қуриш.<br>2. Талабалар турар жойини жиҳозлаш режасини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш.  | 2019/2020 ўқув йили бошлангунига қадар<br><br>2019 йил июнь | Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўзбекистон Республикасининг ривожланиш давлат дастурларини молиялаштириш жамғармаси маблағлари | Самарқанд вилоят ҳокимлиги, Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Самарқанд давлат университети  |
| 21. | Университет обсерваториясининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, илмий-тадқиқот ишларини жадаллаштириш, кузатув натижаларини қайта ишлашни ва моделлаштиришни йўлга қўйиш орқали астрономия соҳасида малакали мутахассислар, олий малакали кадрлар тайёрлашни янги сифат даражасига кўтариш. | 1. Университет обсерваториясини замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш.<br>2. Университет обсерваториясидаги кўзгусининг диаметри 0,48 метр бўлган оптик телескопни такомиллаштириш (кузатув натижаларини қайта ишлаш ва математик моделлаштириш бўйича замонавий асбоблар билан таъминлаш). | 2018 йил сентябрь<br><br>2019 йил май                       | Университетнинг бюджетдан ташқари маблағлари, халқаро фондлар маблағлари   | Самарқанд вилояти ҳокимлиги, Фанлар академияси, Самарқанд давлат университети   |
| 22. | Физика факультетининг “Ядро физикаси лабораторияси” биносини реконструкция қилиш.  | Реконструкция ишлари учун техник топшириқлар ишлаб чиқиш ва мутасадди вазирликлар билан келишиш, Ўзбекистон республикасининг ривожланиш давлат дастурига киритилишини таъминлаш.  | 2019 йил сентябрь   | Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўзбекистон Республикасининг ривожланиш давлат дастурларини молиялаштириш жамғармаси маблағлари | Самарқанд вилояти ҳокимлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Самарқанд давлат университети |
| 23. | Университет “Ботаника” илмий-тажриба боғи моддий-техника базасини мустаҳкамлаш.  | Боғ ҳудудида замонавий иссиқхона барпо этиш, ноёб дарахт кўчатлари ва ўсимликлар турларини кўпайтириш ҳамда замонавий дизайн асосида  | 2020 йил июль   | Университетнинг бюджетдан ташқари маблағлари   | Самарқанд вилояти ҳокимлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Самарқанд  |

| №  | Чора-тадбирлар номи  | Амалга ошириш механизми  | Ижро мuddати                             | Молиялаштириш манбаи   | Масъул ижрочилар  |
|--|--|--|--|--|---|
|  |  | ландшафтани яратиш, қишлоқ хўжалиги техникаси билан таъминлаш.   |  |  | давлат университети   |
| 24.  | Самарқанд вилояти Ургут туманида жойлашган “Еттиуйли сой” дала ўқув-амалиёт базасини моддий-техник жиҳатдан мустаҳкамлаш.  | 1. Дала ўқув амалиёти базасидаги турар жойларни тиклаш учун лойиҳа-смета хужжатларини тайёрлаш.<br>2. Дала ўқув амалиёти учун зарур ўқув аудиториялари, замонавий қурилма ва жиҳозлар, шу жумладан автобус билан таъминлаш.  | 2018 йил декабрь<br><br>2018 йил декабрь | Университетнинг бюджетдан ташқари маблағлари   | Самарқанд вилояти ҳокимлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Самарқанд давлат университети        |
| <b>V. Замонавий ўқув-илмий лабораторияни асбоб-ускуналар ва ахборот-коммуникация технология воситалари билан таъминлаш</b> |  |  |  |  |   |
| 25.  | Университетда илм-фаннинг энг устувор йўналишларида (физика, кимё, биология, экология, биотехнология, механика) илғор технологияларга асосланган, замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган олий таълим муассасалариаро илмий лаборатория ташкил қилиш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш. | 1. Илм-фаннинг энг устувор йўналишларида (физика, кимё, биология, экология, биотехнология, механика) илғор технологияларга асосланган, замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган олий таълим муассасалариаро илмий лаборатория ташкил қилиш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш ҳамда зарур асбоб-ускуналар рўйхатини шакллантириш.<br>2. Олий таълим муассасалариаро илмий лаборатория фаолиятини ташкил этиш. | 2018 йил август<br><br>2019 йил сентябрь | Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўзбекистон Республикасининг ривожланиш давлат дастурларини молиялаштириш жамғармаси маблағлари | Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Фанлар академияси, Молия вазирлиги, Самарқанд давлат университети |
| 26.  | Ўқув бинолари ва ахборот-ресурс марказини замонавий компьютерлар, серверлар, проекторлар ва бошқа техник жиҳозлар билан таъминлаш ҳамда ички компьютер тармоғини янада такомиллаштириш.  | 1. Университет учун зарур бўлган компьютерлар, серверлар, проекторлар бошқа техник жиҳозлар рўйхатини ҳамда техник тафсилотларини тузиш, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан келишилган ҳолда тегишли ташкилотларга тақдим этиш ва харид қилиш.<br>2. Ахборот-ресурс марказини замонавий компьютерлар ва бошқа асбоб-ускуналар билан таъминлаш.   | 2018-2021 йиллар давомида                | Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўзбекистон Республикасининг ривожланиш давлат дастурларини молиялаштириш жамғармаси маблағлари | Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Молия вазирлиги, Самарқанд давлат университети                    |

